ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.G.01.06. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОЖИЕВА ЗУЛХУМОР НАЗАРОВНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

11.00.02-Иқтисодий ва ижтимоий география

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси Оглавление автореферата докторской диссертации Content of the abstract of doctoral dissertation

Тожиева Зулхумор Назаровна	
Ўзбекистон Республикасида демографик жараёнлар ва	
уларнинг худудий хусусиятлари	3
Тожиева Зулхумор Назаровна	
Демографические процессы в республике Узбекистан и	
их территориальные особенности	29
Tojieva Zulkhumor Nazarovna	
Demographic processes in republic of Uzbekistan and	
their territorial features	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати	
Список опубликованных работ	
List of published works	59

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.G.01.06. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОЖИЕВА ЗУЛХУМОР НАЗАРОВНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

11.00.02-Иқтисодий ва ижтимоий география

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/G1 раҳам билан руйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Илмий маслахатчи:

Carron Abryansu

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-сахифаси (nauka.nuu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

география фанлари доктори, профессор

Солиев Аодусами Солиевич	
Расмий оппонентлар: Қаюмов	Абдухаким Абдухамидович география фанлари доктори, профессор
	Умурзаков Баходир Хамидович иктисод фанлари доктори, профессор
	Умаров Есенғали Қурбанович география фанлари доктори
Етакчи ташкилот: Қорақалпол	қ давлат университети
DSc.27.06.2017.G.01.06. рақамли Илдаги мажлисида бўлиб ўтади. (Манз (+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 24 geografiya.nuuz@mail.ru.) Диссертация билан Ўзбекистон марказида танишиш мумкин (№ р	Миллий университетининг Ахборот-ресурс аками билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174,
Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Т	Yeл.: (+99871) 246-67-71.
Диссертация автореферати 2017	7 йил «» куни тарқатилди.
(2017 йил «» даг	гирақамли реестр баённомаси).

Н.И.Сабитова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Ш.М.Шарипов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.н.

А.А.Каюмов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (Докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахон ахолиси динамикаси, туғилиш, ўлим, миграция каби демографик жараёнлар билан ижтимоий ва иктисодий ривожланиш ўртасидаги ўзаро боғликлик масалалари халқаро ҳамжамиятнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «аҳолишунослик соҳасидаги мақсад ва стратегиялар, маданий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг асосий таркибий қисми саналиб, унинг бош вазифаси барча инсонларнинг ҳаёт сифатини оширишдан иборат»¹.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, энг мухим ва қимматли ресурс хисобланган инсон омилига, соғлом она ва соғлом бола тамойилига асосланган демографик масалаларнинг худудий жихатларига алохида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила институтини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш бўйича қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар оналар ўлимининг 3,2 баробар, болалар ўлимининг 3,4 баробар камайишида, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга узайишида, аҳоли бандлик даражасининг, айниқса, аёлларда ўсишида муҳим аҳамият касб этди.

Дунё микёсида барқарор ривожланишни таъминлаш, аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш, демографик жараёнларни бошқариш, оилани тўғри режалаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш, аҳолишунослик ва жамият тараққиётини мутаносиблаштиришга қаратилган муҳим мақсадларни ифода этади. Аҳоли сони динамикаси, ҳудудий-демографик таркиби, жойланиши, аҳоли такрор барпо бўлиш жараёнлари минтақалар табиий, ижтимоий-иқтисодий географик шарт-шароитига монанд равишда ўзгариб боради ва мамлакат,

вилоят, шаҳар ва қишлоқлар демографик ҳолатини, вазиятини вужудга келтиради. Шу боисдан, демографик ривожланишининг ҳудудий ҳусусиятларини тадқиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сон «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қушимча чора-тадбирлар тутрисида»ги қарори, 2016 йил 9 февралдаги ПҚ-2487-сон қарори билан тасдиқланган «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури, Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Узбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Ҳаракатлар стратегияси тутрисида»ги Фармони ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги 68-сон «Узбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қушимча чора-тадбирлар

тўғрисида»ги қарори хамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий хукукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадкикоти муайян даражада хизмат килади.

5

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадкикот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик маънавий-ахлокий ва маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофик бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи². Демографик жараёнларнинг худудий хусусиятлари, ахоли ва ахоли демографик вазиятини бахолашга йўналтирилган пунктлари изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Institut national d'études démographiques (Франция), Max Planck Institute for Demographic Research (Германия), The Viennese institute of a demography (Австрия), University of Nebraska-Lincoln (АҚШ), Federal Institute for Population Research (Германия), Australian National University (Австралия), Москва давлат университетида (Россия), шунингдек Ўзбекистон Миллий университетида (Ўзбекистон) олиб борилмокда. Ахолишунослик ва демографик ривожланишга оид тадкикотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: оилани режалаштириш дастурлари ишлаб чикилган, барвакт ва кеч фарзанд кўриш окибатлари аникланган (Max Planck Institute for Demographic Research, Federal Institute for Population Research); оилаларда туғилиш даражасининг камайиши, аҳоли қариши каби демографик муаммони юзага келтириши исботланган (Australian National University, Internatsional institute for Population sciences (Deemed University)); ахоли такрор барпо бўлишининг минтакавий хусусиятлари, демографик вазиятни яхшилаш бўйича харакатлар дастури ишлаб чикилган (Москва давлат университети); биринчи никохга кириш ёшининг ахоли бандлиги билан боғлиқлик томонлари аниқланган (İnstitut national d'etudes demographiques, University of Nebraska-Lincoln); XXI асрнинг демографик муаммоси бўлган ахоли қаришининг иктисодий жихатлари асосланган (The Viennese institute of a demography). Дунёда демографик ривожланиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмокда: репродуктив саломатлик ва репродуктив хукукни химоя қилиш, соғлом оилани шакллантириш ва кутилмаган хомиладорликнинг олдини олиш; туғилишнинг қисқариши, умр кўриш даврининг узайиши ва демографик қариш; халқаро миграция ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини баҳолаш; аҳолининг заиф гуруҳларига алоҳида эътиборни қаратган холда иқтисодий фаровонликка эришиш.

 $^{^2}$ Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи: https://www.ined.fr; https://www.unl.edu; www.bib/demografie.de/EN/Home/home_node.html; https://en.wikipedia.org/wiki/Australian

6

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Демографик жараёнларнинг минтақавий хусусиятларини ўрганиш бўйича кўплаб таникли хорижий олимлар (Ж.Граунт, А.Гийяр, В.Петти, А.Сови, Ж.Буржуа-Пиша, Р.Пресса, Р.Пирл, Э.Россет, А.Кетле, А.Г.Сундберг, А.Ландри, С.Щербов, Ж.Божё Гарне, З.Павлик³) ва МДХ олимлари (А.Я.Боярский, В.М.Медков, В.А.Борисов, В.И.Бутов, Д.И.Валентей, А.Г.Волков, А.Я.Кваша, В.А.Ионцев, В.Г.Глушкова, А.И.Щербаков, Б.Ц.Урланис, А.Г.Вишневский, Р.М.Кабо, Т.И.Заславская, В.В.Покшишевский, Л.П.Шахотько, А.У.Хомра, Л.Л.Рыбаковский, Г.С.Кильдишев, Л.Л.Козлова, С.П.Ананьева, Л.Н.Игнатьева, А.А.Ахметова, А.Ш.Сахвадзе, З.Р.Рагимова, М.Мамедова, С.И.Исламов ва бошкалар)⁴ илмий-тадкикотлар олиб борганлар.

Аҳолини ижтимоий-иқтисодий географик жиҳатдан ўрганиш, уни ҳудудий ташкил этишга оид тадқиқотлар Н.Н.Баранский, В.А.Копылов, С.А.Польский, Ю.А.Симагин, В.П.Максаковский, Б.Б.Прохоров, С.А.Ковалев, А.Е.Слука, Д.Д.Мангатаева, Н.В.Алисов, Б.С.Хорев, С.Г.Смидович, А.И.Алексеев, Ж.А.Зайончковская 5лар шуғулланишган.

Ўзбекистонда аҳолишунослик, оила демографияси, шаҳарлар ва аҳоли географияси, меҳнат ва аҳоли бандлиги масалалари М.Қ.Қорахонов, И.Р.Муллажонов, Х.Салимов, Э.А.Ахмедов, Р.А.Убайдуллаева, Қ.Х.Абдурахмонов, О.Б.Ата-Мирзаев, А.А.Қаюмов, А.С.Солиев, Б.Х.Умурзақов, Л.П.Максакова, Д.А.Ортиқова, Н.Х.Рахимова, Г.Р.Асанов, Э.И.Сафаров, Ф.К.Комилова, З.Раимжонов, М.Р.Бўриева, Х.Х.Абдурамонов ⁶, ишларида келтирилган.

Хозирги кунда республика ахолиси такрор барпо бўлишининг худудий хусусиятларини, унинг геодемографик муаммоларини хал этиш долзарб хисобланади. Тадқиқот ишида демографик жараёнларнинг худудий кўриниш бўйича илк бора демогеографик типологиялаштириш, районлаштириш ишлари бажарилган, минтақаларнинг ўзига хос табиий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан демографик жараёнлар ўртасидаги боғлиқлик масаласи

³Алихан Аман. Миграция населения Узбекистана (1989-1998). – Т., 2000. С.83.; Народонаселение мира в 2004-2005 году. – UNFPA-New York. 2004. С.31.; Сахвадзе А.Ш. Демографическая статистика, как орудие политической борбы в постсоветской Грузии//Демографическое развитие: вызовы глобализации. – М.: 2012. С.614-617.

⁴Борисов В. А. Демография. – М.: 1999, 2001-С.5.; Валентей Д.И. Основы теории народонаселения. – М.: 1986. С.202.; Ионцева В.А. Экономика народонаселения и демография. – М., 2002.С.136.; Статистика населения с основами демографии. Г.С.Кильдишев, Л.Л. Козлова, С.П.Ананьева и др. – М.: Финансы и статистика, 1990. С.248.

⁵Симагин Ю.А. Территориальная организация населения. – М.: 2004. С.116.; Копылов В.А. География населения. – М.: 1999. С.34.; Максаковсий В.П. Географическая картина мира. В 2кн. Кн.І: Общая характеристика мира.-2-е изд., стереотип. – М.: 2004. С.94.; Алисов Н.В., Хореев Б.С. Экономическая и социальная география мира (общий обзор). – М.: 2000. С.100-101.

⁶Караханов М.К. Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения. – Т.: 1983. С.236.; Ахмедов Э., Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси. Қисқача маълумотнома. – Т.: 2006. Б.27.;

Убайдуллаева Р., Ата-Мирзаев О., Умарова Н. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва ахоли бандлиги. — Т., 2006. Б.б.; Максакова Л. Качественный рост человеческого капитала как важнейший фактор регионального развития//Модернизация национальной экономики Узбекистана: Проблемы, приоритеты, пути решения II том. — Т., 2007. С.114.; Солиев А., Бўриева М., Назаров М. ва бошкалар. Қишлоқ жойлар демографияси — Т., 2005.Б. 138.

7

таҳлил этилган, қонуниятлар аниқланган, аҳоли ижтимоий-демографик тараққиётидаги ўзгаришларнинг илмий асослари ёритиб берилган. Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг П.2-38. «Ўзбекистон қишлоқ жойларининг ижтимоий-демографик ва экологик ривожланиши муаммолари» (2000-2005) мавзусидаги амалий лойиҳаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги Аҳолишунослик бўйича жамғармаси (UNFPA)нинг «Ўзбекистонда демограф мутаҳассислар тайёрлаш миллий салоҳиятини мустаҳкамлаш» (2005-2009) мавзусидаги ҳалқаро лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадкикотнинг максади демографик жараёнларнинг географик хусусиятларини аниклаш ва минтакалар демографик ривожланишининг асосий йўналишларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ахоли ўсиши ва жойланишининг назарий-услубий масалаларини, геодемографик ва демогеографик тадқиқотларнинг методологик асосларини ёритиш;

ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланиш ўртасидаги алоқадорлик мохиятини асослаш;

республика аҳолиси демографик жараёнлари тараққиётидаги ўзига хос жиҳатларини ҳудуд демографик сиғими, демографик хавфсизлик нуқтаи назаридан баҳолаш;

Ўзбекистон Республикаси демографик жараёнларини географик тадқиқ этиш асосида аҳолининг табиий-механик ва ижтимоий ҳаракатидаги тенденцияларни белгилаш;

Ўзбекистон ахолисининг демографик таркиби, ахоли ва ахоли пунктларини худудий ташкил этишнинг демогеографик асосларини очиб бериш;

аҳоли ўсиши ва жойланиши билан боғлиқ, ижтимоий-иқтисодий, меҳнат бозори, бандлик ҳамда аҳолини ҳудудий ташкил этишнинг геоэкологик муаммоларини таҳлил этиш;

мамлакат ва минтақалар демографик ривожланишининг истиқбол йўналишларини янада такомиллаштириш мақсадида, ахоли сони, таркиби ва демографик жараёнлар прогнозини ишлаб чикиш.

Тадкикотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси демографик салохияти ва унинг худудий-демографик таркиби олинган. Тадкикотнинг предмети иктисодиётни модернизациялаш шароитида республика ахолиси такрор барпо бўлишидаги ўзгаришлар ва уларнинг худудий хусусиятлари ташкил этади.

Тадкикотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий-ретроспектив тахлил, анкета сўрови, статистик-математик, тизим-таркиб, картографик, экстраполяция, «ёш суриш» усулларидан фойдаланилган. Демографик

8 жараёнларни ва ходисаларни ўрганишда типологик ва районлаштириш методлари қўлланилган.

Тадкикотнинг илмий янгилиги:

барқарор ривожланишга таъсир этувчи демографик хавфсизлик индикаторлари ва уларнинг худудлар микёсида ижтимоий-иктисодий окибатлари асосланган;

ижтимоий демографик ривожланишдаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, геодемографик ва демогеографик тадкикотларнинг методологияси демогеографик районлаштириш асосида такомиллаштирилган;

худудларнинг демографик сиғим (ХДС) даражаси жами аҳоли, ёш-жинс таркиби бўйича ишлаб чиқилган, аҳоли пунктларини ҳудудий ташкил этиш билан аҳоли такрор барпо бўлишининг демогеографик хусусиятлари аникланган;

республика ахолиси ўлими ва ўртача кутилаётган умр давомийлигини де Муавр усули бўйича моделлаштириш асосида уларнинг ўзаро корреляцияси ва динамикаси асосланган;

демография, ахоли бандлиги ва мехнат бозори масалаларида сохага оид муаммоларни хал этиш хамда ахоли бандлигини таъминлаш дастурини мониторинг қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

демографик ривожланишнинг ўрта ва узок муддатли истикбол кўрсаткичларига асосланган демографик прогноз параметрлари ишлаб чикилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

демографик ўтиш даври, босқичлари асосланган, демографик модернизациялаш, демографик инвестиция, демографик хавфсизлик, демографик барқарорлик Ўзбекистон шароитида аниқлаштирилган;

демографик жараёнларнинг республика ижтимоий-иктисодий ривожланишига таъсири ижтимоий соҳалар билан боғликликда аникланган; аҳоли демографик таркибидаги ўзгаришлар ва уларнинг келгусида мамлакат ижтимоий-иктисодий ва демографик ривожланишдаги роли, таъсири асосланган;

худудлар демографик вазияти демогеографик районлаштириш орқали бахоланган, республика худудлари ижтимоий демографик ривожланишига кура типларга ажратилган;

Ўзбекистон Республикаси демографик жараёнлари ва улар билан боғлиқ вужудга келаётган худудий муаммоларни олдини олиш борасида Миллий ахолишунослик сиёсатини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чикилган.

Тадкикот натижаларининг ишончлилиги. Тадкикот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси

статистик маълумотларидан фойдаланилганлиги билан асосланади. Асосий натижалар бажарилган моделлар, назарий ишланмалар, илмий ёндошувларда ўз аксини топган, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётда жорий этилган, олинган тадқиқот натижалари тегишли ташкилотлар томонидан тасдикланган.

9

Тадкикот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти. Тадкикот натижаларининг илмий ахамияти ахоли такрор барпо булишидаги конуниятларни аниклашга имкон берувчи илмий асос ва математик ишланмалар, моделларнинг ишлаб чикилганлиги билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти вилоятлар ижтимоий демографик ривожланишининг стратегиялари ва комплекс дастурларини яратишда, аҳоли ва ҳужаликни ҳудудий ташкил этишда, Узбекистон Республикаси Миллий аҳолишунослик сиёсатини такомиллаштиришда муҳим илмий манба сифатида ҳизмат ҳилади. Шунингдек, диссертациянинг асосий маълумотлари олий уҳув юртлари уҳув жараёнларида ҳам амалий аҳамиятга эга.

Тадкикот натижаларнинг жорий килиниши. Демографик жараёнлардаги ўзгаришларнинг худудий хусусиятларини бахолаш бўйича ишлаб чикилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

кисқа ва ўрта муддатли демографик прогноз натижалари Иқтисодиёт вазирлиги амалиётига жорий килинган (Иқтисодиёт вазирлигининг 2010 йил 9 декабрдаги 5-1/20-1825-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасида демографик прогноз параметрларини белгилаш ва 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш хамда ахоли бандлигини таъминлаш Дастурини мониторинг килиш имконини берган;

демографик хавфсизлик индикаторлари тизими ва худуд демографик сиғими (ХДС) даражаси буйича ишланмалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институтида аҳоли турмуши сифат даражасини мониторинг қилиш тизимини шакллантиришда ҳамда «ХДС даражасини ҳисоблаш методикаси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ижтимоий тадқиқотлар институтининг 2016 йил 8 ноябрдаги 01/04-322-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижаси демографик ҳавфсизликка эътиборни янада кучайтириш, ҳудудларда юқори даражадаги демографик сиғим самарадорлигини таъминлашга ҳизмат қилган;

республикада янги иш ўринлари ташкил этиш хамда ахоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган ижтимоий-иктисодий тармокларга ва мехнат бозорига тушаётган демографик босим кўрсаткичлари Мехнат вазирлиги тизимида жорий этилган (Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза килиш вазирлигининг 2010 йил 4 ноябрдаги 158-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар демография, ахоли бандлиги ва мехнат бозори масалаларида сохага оид муаммоларни хал этишга имкон яратган;

ахоли ва ахоли пунктларини худудий ташкил этишнинг демогеографик хусусиятлари, геодемографик ва демогеографик тадкикотларнинг методологик

асосларини такомиллаштиришга оид илмий натижалар 5140600- География бакалавр таълим йўналишларида «Аҳоли географияси» фани бўйича узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти ва бакалавриат таълим йўналишларининг малака талаблари мазмунига сингдирилган («Ўзстандарт» агентлигининг 2016 йил 30 декабрдаги №10/1584-сон маълумотномаси).

10

Татбик этилган материаллар демографиянинг асосий йўналишлари, восита ва усулларининг тавсифини очиб бериш имконини беради.

Тадкикот натижаларининг апробацияси. Тадкикот натижалари 47 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, Ўзбекистон География жамияти YII-YIII съездларида (Тошкент, 2006; Нукус, 2009); «Ахоли ва иктисодий тараққиёт» (Наманган, 2001), «Население Узбекистана: 15 лет независимого развития» (Тошкент, 2006), «Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва хозирги замон» (Тошкент, 2007), «Оиланинг долзарб муаммолари: устувор вазифалар ва ривожланиш истикболлари» (Тошкент, 2008), «Социально демографические процессы в современном Узбекистане» (Тошкент, 2009), «Демографическое развитие Республики Узбекистан за годы независимости» (Тошкент, 2011), «Минтақаларни барқарор ривожлантириш ва миллий иқтисодиётнинг худудий мувозанатлигини таъминлаш масалалари» (Тошкент, 2013), «Миллий иктисодиётни модернизациялаш стратегияси ва уни ўрта муддатларда амалга оширишнинг устувор йўналишлари» (Тошкент, 2014), «Новые горизонты Узбекистана в дальнейшем улучшении здоровья мужчин и женщин и укреплении семьи в контексте обновленной Программы Действий МКНР после 2014 года» (Тошкент, 2014), «Население Узбекистана: Современное состояние и новые горизонты развития» (Тошкент, 2014), «Узбекистан: старшее поколение населения как достояние семьи и общества» (Тошкент, 2015), «Мамлакатни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон иктисодиётини бошкаришнинг долзарб муаммолари» (Тошкент, 2016), «Ўзбекистонда география фанининг долзарб муаммолари» (Термиз, 2016), Узбекистон Евроосиё маконида: география, геоиктисодиёт, геоэкология (Тошкент, 2017), «Реализации антикризисной программы-основа дальнейшего развития национальной экономики и повышения его конкурентоспособности» (Москва, 2010), «Двадцать четвертые Международные Плехановские чтения» (Москва, 2011), «Страны СНГ через призму переписей населения» (Москва, 2013), «Демографическое развитие: вызовы глобализации. Седьмые Валентеевские чтения» (Москва, 2012), «Междисциплинарные исследования населения: 50 лет университетской демографической школе». «VIII-е Валентеевские Чтения» (Москва, 2015), «Современные миграционные процессы: Состояние и основные формы» (Кишинев, 2016) каби халкаро ва республика илмий-амалий конференциялари ва семинарларда маъруза қилинган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадкикот натижаларининг эълон килинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 96 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 2 та монография (биттаси хаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация

Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 25 та мақола, жумладан, 23 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

11

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 206 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тарақкиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадкиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ахоли сони жойланиш динамикаси ва муаммоларини тадкик этишнинг услубий асослари», деб номланган биринчи бобида, ахоли ўсиши ва жойланишини ўрганишнинг назарий ва услубий масалалари тахлил этилган, геодемографик ва демогеографик тадкикотларнинг методологик асослари такомиллаштирилган, демографик жараёнлар ижтимоий-иктисодий ривожланиш ўртасидаги узвий алоқадорлик очиб берилган.

Демографик вазият, демографик жараёнлар давлатларнинг хукукий, диний ва миллий хусусиятларига мос холда мустакил ривожланади. Кўпгина холларда урф-одатлар, миллий анъаналар вакт ўтиши билан мамлакатларнинг олиб бораётган сиёсати доирасидаги дастурларга мослашади. Бу эса, демографик жараёнлар боришида бир боскичдан иккинчи боскичга ўтиш ёки демографик ўтиш даврининг вужудга келишига сабаб бўлади. Ахоли ўртасида шаклланган замонавий демографик қарашлар демографик жараёнларда янгиланишларга, модернизациялашга, тўғрироғи «демографик модернизациялаш»га шароит яратади. Демографик модернизациялашни кўпчилик олимлар Европада бошланган «демографик ўтиш» даври, хусусан туғилиш ва ўлим жараёнларининг юқори даражасидан паст даражасига силжиши билан боғлашади. Ўша даврда буни демографик модернизациялаш эмас, балки *«демографик ўтиш даври»* ёки *«демографик революция»*, деб номлашган. Умумий холда демографик ўтиш даври-туғилиш ва ўлимнинг юқори даражасидан паст даражасига ўтишдир. Мохиятига ва окибатига кўра, инсонлар авлоди такрор барпо булишини бошкарувчи минг йиллик социал механизмларни янгилайди, модернизациялайди. Демографик ўтиш даврининг у ёки бу фазаси ривожланиши мамлакатлар, минтакалардаги миллий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият билан боғлиқликда руй беради. Ҳар қандай ҳолатда ҳам демографик утиш даври демографик хавф хатарга йул қуймаслик, демографик хавфсизликни таъминлаши зарур.

Демографик хавфсизлик-ижтимоий-миллий хавфсизлик турларидан (ҳарбий, сиёсий, маданий, иқтисодий, ижтимоий, озиқ-овқат, экологик ва х.к.) бири бўлиб, жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий

12

ривожланишини турли демографик хавф-хатарлардан химояланганлик холатидир. Бунда барқарор ахоли такрор барпо бўлиши ва хаёт фаолиятини таъминлаш кўзда тутилади. Демографик хавф-хатарни вужудга келтирувчи шарт-шароит ва омиллар барчаси туғилиш, ўлим, никох, ажралиш, миграция каби демографик жараёнларнинг ижобий боришига тахдид солади, уларнинг амалга ошишида салбий таъсир кўрсатади. Демографик хавфсизлик айнан мана шу демографик хавф-хатарнинг олдини олиш, меъёрида ахоли такрор барпо бўлишини, ахоли шаклланишини таъминлаш, давлат миллий хавфсизлиги, мустақиллигини химоя қилишга хизмат қилади.

Аҳоли ўсиши ва жойланишининг муҳим масалаларидан бири аҳоли пунктлари жойланишининг ягона тизимларини барпо этишдир. Бунда аҳоли пунктлари ишлаб чиқариш, транспорт алоқалари, умумий инфратузилма тармоқлари, ижтимоий-маданий ва дам олиш жойлари узвий ўзаро боғлиқ ҳолда бирлашган бўлади. Иккинчидан, аҳоли пунктлари жойланишида таянч марказларни ташкил этишдир. Бу таянч нуқталар шаҳарлар, катта ва йирик шаҳарлар, шаҳар агломерациялари, мегалополислар бўлиши мумкин. Баъзан, кичик аҳоли пункти учун район маркази ёки кичик шаҳар аҳоли пункти таянч вазифасини ўтайди. Айнан мана шу илмий қараш мазмун-моҳияти жиҳатдан амалда узоқ вақтдан бери ўз мавқеъини сақлаб келмоқда.

Сўнгги вақтларда ишлаб чиқаришни меҳнат ресурслари етарли бўлган, турли даражада ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасига эга бўлган худудларга жойлаштириш амалга оширилмоқда. Бунда аҳоли ва аҳоли пунктлари ишлаб чиқариш учун қулай инфратузилма макони вазифасини ўтамоқда. Демак, аҳоли жойланишида табиий, тарихий шарт-шароитлардан ташқари, ижтимоий-иқтисодий ва демографик омиллар ҳам муҳим ўрин тутади. Чунки, ҳудудий бирликлардаги аҳоли ва унинг жойланиши аҳолини ҳудудий ташкил этишнинг тадқиқот объекти ва ўрганиш йўналиши эканлигини ҳисобга олсак, унинг мақсади аҳолини ҳудудий ташкил этиш орқали, минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишини яҳшилаш, «ҳудуд демографик сигими» ни ошириш кўзда тутилади.

Хозирда дунёдаги умумий, тизимли глобаллашув жараёнининг демографик мухитда акс этиши, яъни «демографик глобализация» даври мамлакатлар ахолисининг такрор барпо бўлишига сезиларли таъсир кўрсатмокда. Бинобарин, бу даврда ахоли, мехнат ресурсларининг нафакат микдори, балки сифат таркиби, такрор барпо бўлиши хар кандай хавф хатардан холи бўлмоғи лозим. Одатда, ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар демографик жараёнларда ўтиш даврига сабаб бўлади, бу даврда ахоли ўртасида шаклланган демографик майл, фикр, қараш ва хохишлар

ретроспектив даврдан бутунлай фарқ қилади ва уларни бошқа орқага қайтариб бўлмайди.

Мазкур муаммолар, ахоли такрор барпо бўлиши ва ижтимоий-иктисодий жараёнлар ўртасидаги боғликликни ўрганишда демографиянинг турли фанлар билан хамкорлик килишига, биргаликда тадкикотлар олиб боришига тўғри келади. Шундай фанлардан, ахоли географияси билан демография фани киррасида пайдо бўлган демогеография, география билан демография

13

ўртасидаги геодемография тобора ривожланмокда. География учун худудийлик конунияти мухим ўрин тутса, демографияда бевосита ахолининг такрор барпо бўлиши ва, у билан боғлиқ масалалар алохида ахамият касб этади, аммо хар иккаласи учун хам демоцентризм ғояси марказий ўринни эгаллайди. Шу ўринда геодемография, демогеография билан бир қаторда, хусусан, баъзи адабиётларда «регионал демография» тушунчаси хам кўлланилишини келтириш ўринли. Бу мохиятан бир-бирига якин тушунчалар асосида демографик районлаштириш ётади.

Диссертациянинг «Ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланишнинг назарий масалалари», деб номланган иккинчи бобида дунёнинг турли мамлакатларида молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг демографик жараёнларга таъсири, миллий иқтисодиётда ислоҳот тадбирларини амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик жиҳатлари тадқиқ этилган. Шу муносабат билан ишда Ўзбекистон ҳудудлари демографик вазиятидаги ўзгаришлар баҳолаган ва бунда демогеографик районлаштириш, типологиялаштириш методларидан фойдаланилган.

Глобаллашув даврида азалий, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, оиланинг ўрни ва ахамиятини ошириш, ахолининг турмуш даражасини кўтаришда иктисодий инвестициялар билан биргаликда ахолининг меъёрда такрор имконият барпо бўлиши учун яратадиган «демографик инвестиция»нинг хам хисобга олиниши зарур. Шу ўринда демографик инвестициядан асосий маблағ талаб этадиган умумий ва ўрта махсус таълимнинг Ўзбекистонда мажбурий ва бепул эканлиги, харажатлари тўлик давлат томонидан қопланиши, соғлиқни сақлаш тизимида хизмат сифатининг поликлиникаларнинг ахолига бепул хизмат оилавий яхшиланганлиги, кўрсатиши, чекка қишлоқларда яшовчи ахолини хам сифатли тиббий хизмат кўрсатиш билан тўлик камраб олинганлигини таъкидлаш ўринли.

Янги иқтисодий муносабатлар давридаги қишлоқ жойлар аҳолисида айнан ижтимоий-иқтисодий омиллар фаоллиги ортиши демографик муносабатларида, демографик хулқи ва маданиятида ўзгаришларга олиб келди. Натижада, вужудга келган янгича демографик қараш, демографик фикр, ҳоҳиш ва майллар туфайли, барча демографик кўрсаткичларида ҳамда аҳоли ўсиш суръатида пасайиш рўй берди. Аникроғи, қишлоқ жойларда, қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган аҳоли ўртасида ҳам оилани режалаштириш жараёни фаоллашди, демографик инвестицияга алоҳида эътибор қаратила бошланди.

Ўзбекистон 1996 йилдаёк иктисодий жихатдан ўзини тиклаб, иктисодий

баркарорликка эришди. Ахоли турмуш даражаси яхшилана борди, даромадлар кўрсаткичи ортди, унда моддий жихатдан ахволнинг ижобий томонга ўзгариши, ахоли яшаш даражаси юксалиши, ўн йилдан сўнг, яъни 2006 йилдан демографик барқарорликка ёки барқарор демографик ўсишга эришувида, ўз аксини топди. Қолаверса, сўнгги йиллардаги туғилиш кўрсаткичларидаги ўзгаришлар, ўтган даврдаги ахоли такрор барпо бўлиши кўрсаткичларининг хозирда демографик тўлкин бўлиб келиши демографик салохиятнинг ўсиши билан боғлиқ бўлмокда.

14

2.1-жадва^Л

Узбекистон Республикаси ахолиси сони динамикаси ва жойланишини типологиялаштириш, 2015 йи^Л

Жадвал ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чикилди·

Γ	киши - км.	42,	21,5	287,3	7
y	кв 1 зичлиг	8			0
p	и ахоли				,
y	адоли				3
X	фоизд				
	a	7,0	22,4	70,6	1
Л	ахолис				0
a	И				0
p					
Н	фоизд а	11,	73,1	15,8	
И	КВ . КМ	1			1
Н					0
Γ					0
:	, майдон	49,	328,3	70,8	4
	И	8	<i>32</i> 0,	70,0	4
		0			
					8
					9

	1			
Маъ	Оҳа	Мирзаобод,	Андижон, Асака, Балиқчи,	$ reve{\mathbf{y}} $
	нга	Оқолтин,	Бўз, Булоқбоши,	3
мури	рон	Сардоба,	Жалақудуқ, Избоскан,	6
й-худ	,	Сайхунобод,	Улуғнор, Қўрғонтепа,	
удий	Бўс	Сирдарё,	Мархамат,	e
	тон	Ховос,	Олтинкўл Пахтаобод,	к
бирл	лиқ	Амударё,	Хўжаобод, Шахрихон,	и
икла	,	Беруний,	Боғдод, Бешариқ, Бувайда,	c
p	Пар	Қонликўл,	Данғара, Ёзёвон, Олтиариқ,	$ \mathbf{T} $
	кен	Қораўзак Кега	Қўштепа, Риштон Тошлок,	
НОМИ	T,	йли,	Учкўприк, Фарғона,	0
ва	Сўх	Қўнғирот,	Фурқат, Ўзбекистон, Қува,	H
сонИ	,	Мўйнок,	Оққўрғон, Бекобод, Бўка,	P
Con	Ну	Нукус,	Зангиота,	e
	рот	Тахтакўпир,	Қибрай Қуйичирчиқ,	c
	a,	Тўрткўл,	Пискент, Ўртачирчик,	п
	Бах	Хўжайли,	Чиноз, Юқоричирчиқ,	
	мал	Чимбой,	Янгийўл, Ангор, Денов,	у б
	,	Шўманай,	Жарқўрғон,	
	Ғал	Элликқалъа,	Қизириқ Қумқўрғон,	л
	лао	Кармана Кони	Музработ, Олтинсой,	и
	рол	мех,	Сариосиё, Термиз, Узун,	ĸ
	,	Қизилтепа,	Шеробод, Шўрчи, Жомбой,	a
	Зом	Навбахор,	Иштихон,	
	ин,	Томди,	Каттақўрғон Нарпай,	c
	Янг	Учкудук,	Окдарё, Пайариқ,	И
	иоб	Хатирчи,	Пастдарғом, Пахтачи,	
	од,	Олот, Бухоро,	Самарқанд, Тайлоқ,	
	Фо	Вобкент,	Мингбулоқ, Косонсой,	
	ри	Ғиждувон,	Наманган, Норин Поп,	
	ш,	Когон,	Тўракўрғон, Уйчи,	
	Бул	Қоракўл Қоро	Учқўрғон, Чортоқ, Чуст,	
	унғ	вулбозор,	Янгикўрғон, Ғузор, Қарши,	
	ур,	Пешку,	Косон, Қамаши, Касби,	

	Ург Ромитон, ут Жондор, Ку Шофиркон Шахрисабз, Яккабог, Арнасой, Жиззах, Дўстлик, Зарбдор, Зафаробод Мирзачул, Пахтакор, Бектемир, Мирзо Улугбек, Миробод, Олмазор, Сергели, Учтепа, Чилонзор Шайхонтохур, Юнусобод, Яккасарой, Яшнобод (Андижон, Фаргона, Наманган, Жиззах, Самарқанд Сурхондарё, Кашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент маркибидаги - 102 гурлан, кушкупир, урганч, хазорасп, ман лар)	ы, ,, лик, ирзо епа, ур, й, ,, ,,	Миришкор, Чирокчи, Шахрисабз, Яккабоғ, Арнасой, Жиззах, Дўстлик, Зарбдор, Зафаробод Мирзачул, Пахтакор, Бектемир, Мирзо Улуғбек, Миробод, Олмазор, Сергели, Учтепа, Чилонзор Шайхонтохур, Юнусобод, Яккасарой, Яшнобод (Андижон, Фаргона, Наманган, Жиззах, Самарқанд Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шахри таркибидаги - 102	Жондор, Шофиркон К (орақалпог истон Республикаси, Бухоро, Навоий Сирда рё, Хоразм вилоятлари таркибидаги - 50 та туманлар) овот, Янгиарик, Янгибозор, Боёвут, Гулистон, Боғот, Гурлан, Қўшкўпир, Урганч, Хазорасп, Хонқа, Хива,	ут Кў шр обо д, Ну роб од, Бой сун , Дех кон обо д (жс ами 16 та тог ли ту ман лар
--	---	---	--	--	--

Демографик жараёнларнинг худудий хусусиятлари ва унга таъсир этувчи ижтимоий-иктисодий таснифдаги омилларни ўрганиш ва бахолашда демогеографик районлаштириш, типологиялаштириш мухим ахамият касб этади. Бу эса ўз навбатида, минтакавий демографик сиёсатни амалга оширишда назарий асос бўлиб хизмат килади. Шундан келиб чикиб,

Ўзбекистоннинг демографик вазияти, демографик ривожланишининг ўзига

хос худудий хусусиятларини кўрсатиб беришда маъмурий-худудий бирликлар доирасида минтакаларни демогеографик районларга ажратиб тадкик этилди. Демогеографик районларни ажратишда куйидаги мезонлар асос килиб олинди: 1) демографик жараёнларнинг бориши; 2) шахар ахолисининг салмоғи ва ундаги ўзгаришлар; 3) ахолининг демографик таркиби; 4) ахоли сони динамикаси; 5) ахоли зичлик кўрсаткичлари.

Ўзбекистонда Р.А. Убайдуллаева ва О.Б. Ата-Мирзаевлар (2006) Ўзбекистон демографик жараёнлари ва ахоли бандлиги масалалари бўйича республикани 6 та регионга ажратишган⁷. Ушбу тадкикотда эса юкоридаги мезонларни эътиборга олган холда мамлакат демографик жихатдан 6 та демографик районга районлаштирилди. Бундан ташкари худудларнинг рельеф кўриниши, яъни ер юзаси тузилиши, табиий хўжалик хусусиятларини хисобга олган холда, республикани учта гурухга, яъни: соф тоғли; типик чўлли ва аралаш (тоғ-текислик, воха, водийлар) тарзда типологиялаштирилиши худудлар демографик жараёнларининг ўзига хос,

маълум қонуниятларини очиб беради. Бу гуруҳлар демографик районлардан йириклиги, жойнинг табиий хужалик хусусиятига асосланганлиги (чул, тоғ, текислик), демографик жараёнлари кечишига кура, тубдан бир-биридан фарқ килади.

Диссертацияда, юқоридагилардан келиб чиққан холда, «*худуд демографик сигими»*, «инсон хавфсизлиги», «демографик глобализация» каби тушунчаларнинг маъзмун-моҳияти очиб берилган ҳамда Ўзбекистон шароитида мезонлари илк бора илмий асосланган.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг географик жихатлари», деб номланган учинчи бобида ахоли сони динамикаси, жойланиши, такрор барпо бўлиши, демографик таркибдаги ўзгаришлар ва унинг худудий тафовутлари бўйича тадкикот натижалари келтирилган. Бинобарин, Ўзбекистонда 1991-2016 йилларда ахоли сони ўсиш суръати 153,2 % га, ўртача йиллик кўпайиш 1,7 % ни ташкил этди. Кейинги йигирма йилликда туғилиш ва табиий кўпайиш даражасидаги пасайиш хамда миграция окимининг манфий кўрсаткичлари окибатида, республика ахолиси ўсиш суръати кескин камайди. Жумладан, мамлакат ахолисининг ўртача йиллик кўпайиши 1985-1990 йилларда 2,40 фоиз, 1990-1995 йилларда 2,15 фоиз, 2010-2015 йилларда 1,70 фоизга тенг бўлган холда, мунтазам пасайиб бормокда.

16


Ахоли ўсиши ва жойланишидаги, демографик жараёнларнинг боришидаги худудий омилнинг таъсири типологиялаштирилган гурухлар мисолида тадқиқ этилди. Худудий демографик сиғим имконияти анча чекланган, ахоли яшаши учун бироз ноқулай, рельеф шаклига кўра тоғлардан иборат биринчи гурухдаги 16 та туманлар ахолиси сони, салмоғи нисбатан

 $^{^{7}}$ Узбекистонда профессор О.Б. Ата-Мирзаевни ахолишунослик масалалари борасида етакчи олим деб, хисоблаш мумкин.

кам бўлишига қарамай, демографик вазияти, демографик салохияти, демографик қарашлари билан II ва III-гурух туманлари ахолисидан тубдан фарқланади. Бу гурухдаги туманлар республика худудининг атиги, 11,1 %, ахолисининг 7,0 % ини мужассамлаштирган холда, ахолиси сони ва зичлигининг 1991-2015 йилларда энг катта 160,9 % га ўсиши қайд этилади. Иккинчи гурухга худудининг асосий кисми типик чўл худудлардан иборат (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сирдарё вилоятлари) вилоятлар таркибидаги 50 та туманлар киритилди. Мазкур туманлар республика умумий майдонининг 73,1 % ини, ахолисининг 22,4 % ини қамраб олади. Ушбу худудлар ахолиси зичлик кўрсаткичи тоғли гурухга қараганда 2,6; жами мамлакат ахолисига нисбатан 4,1 мартага кам, зичлик кўрсаткичининг ўсиш суръати хам паст (133,0 %) даражада. Умуммамлакат ахолиси салмоғида улуши мунтазам қисқариб бораётган, ахолиси тарқоқ ва сийрак жойлашган чул гурухида келгусида ижтимоий-иктисодий соха ва тармоқларда ахоли сони етишмаслиги муаммолари ушбу худудларда даставвал юзага келиши мумкин.

Учинчи гурух мамлакат умумий майдонининг 15,8 %, ахолисининг 70,6 % ини мужассамлаштирган, ахолиси энг зич жойлашган (кв.кмга, 287,3 киши, 2015 й.), қадимдан суғорилиб деҳқончилик қилинаётган воҳа ва водий ҳудудларидаги 102 туманлардан таркиб топди. Мазкур гурухда аҳоли пунктлари йирик, унда аҳоли кўп ва ғуж тўпланган. Мамлакат умумий майдонининг демографик сиғимини бугунги кунда юҳори, деб баҳолаш мумкин. Сўнгги йилларда иҳтисодий-ижтимоий омиллар туфайли демографик жараёнлардан, хусусан аҳоли ўртасида туғилиш, ўлим даражалари пасайиши, табиий ҳаракат кўрсаткичларининг камайишига олиб келмоқда. Аммо вилоятларда умумий аҳоли сони фаҳат табиий кўпайиш ҳисобига йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Сабаби, аҳолининг механик кўпайиши мамлакат аҳолиси сони динамикаси учун аллақачон салбий хусусият касб этган.

Аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, бандлиги, аҳолининг саводхонлиги, маъданий даражаси, соғлиқни-сақлаш тизимининг ҳолати ва бошқа ижтимоий-иқтисодий омиллар фаоллиги ошганлиги муносабати билан республикада туғилиш, табиий кўпайиш умумий коэффициенти 1,4 пунктга камайди. Бундай ҳолат қишлоқ жойларда яққолроқ сезилади, яъни у 1,6 мартага тенг. Ўзбекистонда аҳоли такрор барпо бўлишининг брутто коэффициенти 1989 йилда Rb=2,049 га, 2015 йилда эса Rb=1,147 га тенг бўлган ҳолда, 1,7 мартага камайган. Бинобарин, 2015 йилда бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 1,204 та, Қашқадарё вилоятида 1,254 та, Хоразм вилоятида 1,135 та, Сурхондарё вилоятида эса 1,225 та, Жиззах вилоятида 1,135 та, Фарғона вилоятида 1,131 тани ташкил этиши, бу ҳудудларда ҳамон



3.1. расм. Ўзбекистон Республикаси ахолисининг табиий харакати картас^и

кенгайган ахоли такрор барпо бўлиши давом этаётганлигини кўрсатади. Аксинча, Бухоро, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шахрида (брутто коэффициенти 1,027-1,085 га тенг) оддий ахоли такрор барпо бўлиши кузатилмоқда. Айни вақтда, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятлари шахар ахолисида аёлларнинг ўз ўрнини тўлдира олиш эхтимоли жуда кичик. Мазкур худудлар шахар ахолисида демографик вазият шу тахлитда давом этадиган бўлса, якин орада тўлик кискарган ахоли такрор барпо бўлишига ўтиши кутилади.

Ахоли такрор барпо бўлишининг нетто коэффициенти республика ахолисида Rn > 1.0 дан катта бўлмокда. Масалан, 1989 йилда хар 1000 та аёл ўзидан кейин қолдирган қизлардан 1867 таси онасининг ёшигача яшаган бўлса, 2015 йилда бу ракам, 1092 тага тўгри келди. 2000-2006 йилларда шахар ахолиси учун нетто коэффициенти Rn < 1.0 дан кичик бўлиши, аникрок айтганда, бу худудий таркибда қисқарган ахоли такрор барпо бўлиши рўй берди, яъни 2000 йилда ҳар 1000 та аёл ўзидан сўнг қолдирган қизларнинг 961 таси, 2005 йилда 916 таси, 2015 йилда 976 таси онасининг ёшигача яшаган холос.

Ўзбекистон ахолиси туғилиш жараёни юқори бўлишида барқарор никох муносабатлари мухим ўрин эгаллайди. Никох билан туғилиш жараёни ўртасидаги корреляцион боғланиш Спирмен-корреляция коэффициенти R=0,77 га тенг бўлиб, яъни улар ўртасидаги боғланиш кучли, тўгри чизикли боғланиш кўринишига эга. Охирги йилларда туғилиш жараёни сингари ахолининг никох кўрсаткичлари хам камайиб борди, яъни хар минг кишига мос келувчи никох умумий коэффициенти 1991 йилда 12,9 ‰ бўлган бўлса, 2016 йилга келиб, у, 1,4 мартага қисқарди. Айни вақтда, никох даражаси Республикаси, Жиззах, Коракалпогистон Сирдарё, Тошкент, вилоятлари ва Тошкент шахрида нисбатан паст. Колган барча вилоятларда унинг даражаси умуммамлакат кўрсаткичидан катта. Ажралиш ходисаси нисбатан кам бўлишига қарамай, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шахрида (1,2-2,1 ‰) мамлакат умумий кўрсаткичидан (1,0 ‰, 2016 й) баланддир. Ўзбекистонда ажралишларнинг 70 фоизи шахар жойларга, никохнинг эса 54 фоизи кишлок жойларга тўгри келиши, муносабатлари мустахкамлиги ва ажралиш ходисаси камлиги хам кўп йиллардан бери туғилиш жараёнининг кўпайишини таъминлаб келаётган бўлса, ажабмас.

Ахоли ёш таркибида ёшлар ва ўрта ёшдагилар кўплиги, туғилиш даражаси камайиши, бир ёшгача бўлган болалар, оналар ўлими ва умумий ўлим ходисаси кискаришида ўз ифодасини топди. Натижада, шу киска вакт оралиғида (1991-2016 йй.) мамлакат ахолисида ўлимнинг умумий кўрсаткичи 1,3 пунктга қисқарди ёки хар минг кишига 6,2 ‰ дан 4,8 ‰ га ўзгарди. Ўзбекистонда гўдаклар ва 5 ёшгача бўлган болалар ўлимида асосан ўғил

болалар ўлими қизларникидан 1,3 мартага кўплиги жинсий таркибни кейинги ёш гурухларида ўзаро мутаносиб холга келишига сабаб бўлмокда.

